

*Муртазо ҚАРШИБОЙ*

*Ўттиз ўйлих  
андиша*

*(шеторлар)*

«SHARQ» НАШРИЁТ-МАТБАА  
АКЦИЯДОРЛИК КОМПАНИЯСИ  
БОШ ТАҲРИРИЯТИ  
ТОШКЕНТ – 2014

УЎК 821.512.133-1

КБК 84(5Ў)7

Қ – 24

Қ – 24 **Муртазо Қаршибой.**

Ўттиз йиллик андиша: Шеърлар. –  
Т.: «Sharq», 2014. – 128 б.

Бу шеърлар бундан ўттиз йилча муқаддам ёзилган эди. Талабалик кезларимда, ёшлик – бебошлиқ тўфонларида китоб ҳолига келтирилган ушбу қўлёзма йиллар давомида ғаладонма-ғаладон кўчиб, не бир андишалар ғалвиридан ўтган бўлса-да, табиийки, камчилик ва нуқсонлардан ҳоли эмас.

Шу ҳакида ўйлаб, одам истиҳола қиласди: яна ким билади дейсиз, «Ҳар кимниги ўзига – Ой кўринар кўзига» деган гап ҳам бор...

Баҳо бериш – китобхонга тан.

Муаллиф

ISBN 978-9943-26-075-7

УЎК 821.512.133-1

КБК 84(5Ў)7

ISBN 978-9943-26-075-7

© «Sharq» нашриёт-матбаа акциядорлик  
компанияси Баш таҳририяти, 2014.



## ШОИР

Ҳар лаҳзада мингта фожиа,  
Ҳар лаҳзада мингта драма.  
У – «Ҳаммани уйғотинг!» дея  
Жўнатилган телеграмма.

Одамзодга хурмат шунчалар:  
Сен демоқ йўқ, сиз демоқ ҳам йўқ.  
Йиглаб туриб қувноқ куй чалар,  
Очлик билан у умрбод тўк.



## ТАСДИҚ ВА ИНКОР

Бирга ухлар тасдик ва инкор  
Иккисига битта ёстиқдир,  
Куруқ инкор деганинг бекор,  
Инкор этсанг, ўша тасдиқдир.

Ёлғонда ҳам бор, ахир, маъни,  
Сокинликнинг йўли – тўполон.  
Инкор – ахир, тасдиқлаганинг  
Тасдиқласанг – инкор бегумон.



\* \* \*

Бахтнинг қасригача боргин-у,  
Ичкарига кирма,  
Қараб ўтавергин деразасидан.  
Мұхаббатнинг йўлларида юр,  
Мұхаббатнинг ўзини қучма,  
Садоқатга ҳадя қил уни.  
Ўлим келар бир куни албат,  
Остонада уни кутиб ол,  
Ичкарига қўйма ўлимни!



\* \* \*

Мен эшикни очсам бўлади,  
Ҳали эрта, вактим бор ҳали.  
Юрагим ҳам талпиниб туарар,  
Йўқолмаган, қўлимда калит.

Мен эшикни очсам бўлади,  
Мунтазирдир нурафшон гўша:  
Ичкарида бир ором кутар,  
Мени кутар унда партўшак...

Мен эшикни очсам бўлади,  
Кирсам бўлар ё деразадан.  
Киролмайман ва мен умримни  
Шу кўчада тик ўтказаман.



\* \* \*

Юрагимга чизилган сурат  
Кулаётган қизнинг сурати.  
Алдамайман, мендаги журъат  
Бобом айтган сўзнинг журъати.

Хақиқатдан жуда ҳам кичик,  
Ёлғонлардан анча каттаман.  
Ҳозиргина чиқдим лой кечиб,  
Севги деган бир бекатдаман.



\* \* \*

Бугун яна ўзимда йўқман,  
Бугун яна бошим эгилган.  
Кўзим энди қўлимдан қўрқмас  
(Кўл чўнтакка энди беркилган).

Яширинган юрак ҳам беун,  
Савлатнинг-да, сиёғи толган.  
Тентираиман, юраман бугун,  
Бугун фақат оёғим қолган.



\* \* \*

Тўрва берди менга ҳам қисмат,  
Узоқ йўлга отландим мен ҳам.  
Қаримоқда вужудим жисман,  
Қуп-қуруқдир лек ҳали тўрвам.

Уни бешак тўлдирмоқ керак,  
Оқлаш учун босган изимни.  
Юмалайман манзилга қараб,  
Мен тўрвага солиб ўзимни.

---

ТЕСКАРИЛИК

Сифат йўқдир бугун ҳеч сонда,  
Рақамларнинг тескари боши.  
Менинг ёшим, мана, тўқсонда,  
Тўқсон бешда укамнинг ёши.

Ҳаёт телба сойдайин оқар,  
Сузаман, лек бўйнимда каманд.  
Кампирларга мўйсафид тоға,  
Чолларга ҳам энди акаман.

Барин айтиб бўларми шеърда,  
Ўзингни шарҳ айламак оғир.  
Бир оёғим нарги асрда,  
Бу асрда битта оёғим.

Шундай бугун – саноқ тескари,  
Ўнглансада оёғим, бошим.  
Бирданига қоламан қариб,  
Йигирмага етганда ёшим.



## МЕНИ ҚИЙНАР

\* \* \*

Сен ҳам энди битта қўшиқ бўл,  
Энди сен ҳам навога айлан.  
Қанча жангда енгилдинг-ку, фўр,  
Энди бир бор енгмоққа шайлан.

Кураш ерда, учмоқ не фойда,  
Минг бор бағринг қонатмадингми?  
Ўзингни бир ишончга бойлаб  
Қирқиб ташла қанотларингни.

Агар қалбинг қуриб қолган чўл,  
Бу дунёда тамомсан, йўқсан  
Ҳеч бўлмаса битта товуш бўл,  
Битта сўз бўл ўша қўшиқдан!



\* \* \*

Парвойинг йўқ парвога энди,  
Кулганлардан энди куласан.  
Кўксинг сахро мисоли кенгдир,  
Йиқилмайсан энди, куласанг.

Борар еринг энди – бошингда,  
Юрап йўлинг энди – юракдир.  
Дўсту душман бари ичингда,  
Ватанинг ҳам энди – кўкракдир!



\* \* \*

Хурматим бор ҳурматга ҳали,  
Қадрдоннинг қадрин биламан.  
Барин бир-бир айтмайман, маълум:  
Мен туганмас бир ашуламан.

Дунёда не дард бордир – менда,  
Борлиқдаги бор қувонч – мендир:  
Йиғлаёлмай куйлаган тентак,  
Куйлаёлмай йиғлаган жинни.



\* \* \*

Ўлиш учун яшамофим шарт,  
Ўлимдан наф келса элимга.  
Ҳали ўтга айланмаган дард,  
Ҳаққим йўқдир ҳали ўлимга.

Мантиқ ҳукми биламан, оддий:  
Билгум, шундай ҳасрат чўлида  
Ташлаб кетмоқ оғир ҳаётни  
Мени қучган Бахтнинг қўлига.



\* \* \*

Шеърларингни қўйнингга яшир,  
Бошлама, қўй, товушлар рақсин.  
Сочин сила – шунинг ўзи шеър,  
Шунинг ўзи аёлга таҳсин.

Алдар сени, учма сўзларга,  
Садо – ўзга, ўзга – моҳият.  
Боқа олсанг мағрур кўзларга  
Шунинг ўзи катта мадхия!



## ОРОЛ

Яна бир шоир ўлмоқда,  
юзида қон йўқ.  
Кўзлари тубига чўккан.  
Чўккан кўзларида қотган бир нигоҳ –  
Барча ўлган шоирларнинг нигоҳи!



\* \* \*

Кўлинг ҳали шалвираб турар,  
Судралади оёғинг оғир.  
Бошинг омон, бор ҳали юрак,  
Кулғинг бор, кўзинг бор тағин.

Ҳали чанқаб ичяпсан сув,  
Ҳали мудраб чайнаяпсан нон.  
Эътиқоднинг сохталиги шу:  
Демак, «Ҳақман!» деганинг ёлғон.

Ҳали жангдан ором истайсан,  
Ҳали ором тўсар ларзани.  
Демак, кўкка уча олмайсан,  
Йўқотмасдан ҳамма нарсани.



\* \* \*

Бир сўз айтсам бўлар-ку, мен хам,  
Қувонч ардоклайди,  
кучоқлайди Бахт.  
Нега шу сўзни айтмай  
шеър айтиб юрибман,  
нега?..



\* \* \*

Ҳатто осмон гуллади,  
Олам нурга тўлди-ку!  
Бу толенинг кунлари  
Кулмаганлар кулди-ку!

Пок шуълага тўймай шаън,  
Боғ ҳам куйлар ўзича.  
Сен нимани ўйлайсан,  
Кулмаётган мусича?..

# Мұғаликтер





\* \* \*

Жон чиқмайди, эркали бу жон  
Иссиқ жойга олган беркиниб.  
Вужуд уйғонмайди, о, у ҳам нодон:  
Беріб қўйган жонга эркини.

\* \* \*

Ҳаммага эътибор керак,  
Эътибор керак ҳаммага.  
Бир чеккада йиғлайди маъюс,  
Эътиборсиз қолган Эътибор!



\* \* \*

Бу чехра бир гўзал бокка ўхшайди,  
Мевалари ҳил-ҳил пишган бокқа.  
Қақраб кетган лабларинг билан  
Териб олгинг келар меваларини.

\* \* \*

Осмонларда бир ажиб соғинч,  
Янграб кетар қўшиқми, шеърми?  
Шуълаларга осилар бетинч,  
Осмонлардан излайди ерни...



\* \* \*

Дунё тўла юрибди шиор,  
Макон қилиб баланд-пастликни.  
Яшашнинг-ку, минг чораси бор,  
Чораси йўқ яшамасликнинг!

\* \* \*

Келган эди бир бор омадим,  
Бир бор баланд келганди қўлим.  
Лекин ҳақни сўзлай олмади,  
Ёлғон айтиб чарчаган тилим.



\* \* \*

Дарахтлар баргидага нафас бор,  
Қиёссиз зангори, ютилган.  
Дарахтлар баргидага бир сас бор,  
Ийманиб Қуёшга тутилган.

\* \* \*

Бир гўдак туғилди ўйлаб кўр, Дунё,  
Бир чеккага қўйиб узилган торни.  
Чакқон энагалар уйғоқми ҳозир,  
Ётса бўладиган бешигинг борми?..



\* \* \*

Бу шаҳарда яшаш осонмас,  
Бир боқсанг – киш унда,  
бир боқсанг – баҳор!  
Унда не дилларнинг толеи колган,  
Унда не қалбларнинг фожиаси бор!

六六六

Юрак бирдан кетар қалтираб,  
Фақат ҳасрат сиқар күзимни.  
Мени тушунмаган дунёга қараб,  
Тушуна бошлайман ўзимни.



\* \* \*

Булбул бўлмоқ менга ҳам орзу,  
Тушларимга гуллар киради.  
Қўшиқ айтсам, ичимда лекин  
Ўлаётган шер бўкиради.

\* \* \*

Марҳаматинг керакмас, Чинор,  
Керак эмас менга салқининг.  
Келдим факат кўрсанг деб зора  
Кўлангканга қалбим ёлқинин.



\* \* \*

Кўксим очиқ келавер, Ўлим,  
Кутма ортиқ бир илтифотни.  
Йўлларингга пояндоз қилиб  
Тўшаб чиқдим, ахир, хаётни!

\* \* \*

Чида энди, бир нафас тўхта,  
Сенга сўз йўқ, нима ҳам дердинг.  
Ҳамма сурон бошлаган чоғда  
Сукунат ҳам бир гўзал шеърдир.



\* \* \*

Бир нима ўйлаб чиқ, ўзингни кўндири,  
Яна бир гунохдан холи бўлсин қалб.  
Ўзгаларни алдаб яйраган кўнгил,  
Яна бир яйрасин ўзини алдаб!

\* \* \*

Қуёш нурга кўмди оламни,  
Бош кўтарди гуллар қалтираб.  
Бир томони ёрир хонамнинг  
Бир томони ёrimас сира.



\* \* \*

Қайтмоқчиман болалигимга,  
Майсаларни қучиб, чопқилаб.  
Йўлим тўсманг, кўрсатинг менга  
Болалигим қайси архивда!

\* \* \*

Ҳамма ўтиб бўлди, нихоят,  
Ҳамма сафдан ўрнини топди.  
Лек мақолга қилмай риоя  
Охирда ҳам ёмон от чопди.



\* \* \*

У тонгга йўл очмоқчи эмас,  
Тунни кувмоқ нияти ҳам йўк.  
У – шунчаки ўчмоқчи эмас,  
У – шунчаки ўчмаётган чўғ.

\* \* \*

Йиглаб туриб чалсанг ҳам бўлар,  
Кулиб туриб чалинган найни.  
Йиглаб туриб курашмоқ мумкин,  
Лекин йиглаб ўлиб бўлмайди.



\* \* \*

Бу қайгулар, билгум, кўп қадим,  
Минг бор чиқар ҳали йўлимга.  
Туғилмоқдан, ахир, қўрқмадим,  
Нега қўрқай энди ўлимдан!

\* \* \*

Кимдир ўзин санагай даҳо,  
Гарчи тупроқ илк ибтидоси.  
Қидирганда топилмас аммо  
Хатто оддий ишнинг фидоси.



\* \* \*

Бу қандай баҳт!  
Порлаб кетар,  
Бир қувончдан оч кўзинг.  
Яшаяпсан битта дардни  
Овутганча бир ўзинг...



\* \* \*

Эртароқ танисайдим, о, сени Ўлим,  
Бунча хор қилмасдим балки Ҳаётни!

\* \* \*

Вужуд, кўрқма, Ўлим бор  
Олдда!!!  
Йиқилсанг, у етаклаб кетар!

\* \* \*

Кўз қувониб кетар, лекин қалб...  
Қалб барибир титраб туради  
Бу қувончни ича олмайин.



\* \* \*

Чидолмадим,  
Чидасам бўларди.  
Чидасам бу умрим роҳатда эди.  
Чидолмадим,  
Бўшатиб юбордим  
Қалбдаги девни.



\* \* \*

Гуноҳ сенда эмас,  
гуноҳ майсада,  
туллар гуноҳкордир,  
гуноҳкор баҳор.  
Гуноҳ сенда эмас,  
сен гуноҳсизсан,  
худди мен каби!



## ЖАВОБ

(ҳазил)

«Шоир бўлиш осонмас,  
Шеърият – сирли денгиз.  
Ҳаёт – улкан қозонда  
Аввал қайна», дедингиз.

Сизга сўзлаш осон-да,  
Мен-чи, ўжар тифдекман.  
Қайнолмайман қозонда,  
Чунки унга сифмайман...



\* \* \*

Сен ялтироқ кунга ишонма,  
Сен бағри қон кунларга ишон.  
Кетадиган баҳт деб қувонма,  
Келадиган баҳт учун қувон!

Фаним тутган шаробни ичма,  
Дўстинг тутган заҳарларни ич.  
Кетадиган сахарни қучма,  
Келадиган сахарларни қуч!



\* \* \*

Онажон, биз – боймиз:  
Менинг пок юрагим,  
Сизнинг қалбингиз,  
Синглимнинг соф ўйлари...  
Шунчалик кўпки бу бойлик  
Дунёнинг қайси четидан туриб  
Қарасам-да кўринади!



\* \* \*

Ҳеч нима юз бергани йўқ!  
Пешонамга тиф қилиб урма  
турли гумонни.

Фақат мана шу жардан  
кўриб қолдим ногаҳон  
Порлаётган осмонни...

\* \* \*

Ўнгга бокаман – ҳасрат,  
Сўлга бокаман – ҳасрат.  
Ўртадаги қувончни сўка бошлайман.



\* \* \*

Руҳимда сен ҳукмрон,  
Бошқа бор дард ёлғондир.  
Ўлтирибман юртини  
Унутган бир хоқондек.

Ҳис этаман юракда  
Бир шарпа, бир ҳужумни.  
Кела қолгин, келмасанг,  
Ёв босади юртимни!



## МИНГЧИНОРДА

Битта эди бундаги чинор,  
Ўсар эди шовуллаб, тетик.  
Лекин боши кесилган сахар  
Мингчинорга айланиб кетди.



## ЎКИНЧ

Энди қайга борамиз, қалбим,  
Қай эшикка урамиз бошни.  
Отаётган тонгни йўқотдик,  
Йўқотдик-ку, ахир, Қуёшни.

Томирларда алам югуар,  
Лекин кўзга ёш келмайди ҳеч.  
Табассумга кечикдик-ку, биз,  
Энди, ахир, йигламоқ ҳам кеч!



\* \* \*

Юзга кириб уйланмаган чол,  
Қирққа кириб қариган бўйдок.  
Кузга етмай қулаётган тол,  
Тўлқинларин йўқотган қирғоқ.

Тарих эмас – минг йиллик таъқиб,  
Келажакмас – зўрланган малак.  
Ва буларнинг барига боқиб,  
Яшамоқдан қўрқмаган юрак!



## СИЗГА...

Сизга шеърни гуллар ўқисин,  
Сизга қўшиқ айтсин юлдузлар.  
Шеърга сифса шу порлок хусн,  
Телба қилур шоирни сўзлар.

Сизга шеърни айтсин сахарда  
Шарқдан Фарбга ишқ элтган наслм.  
Шоир қалам тутса агарда  
Исмингиздан яралгай назм.

Сизни куйлаб топинсалар – кам,  
Сизни замин ардокласа – оз.  
Сизни дея ёнмаса олам,  
Бу дунёнинг ёлғонлиги рост!

Гарчи кўпдир жунунваш диллар,  
Лекин барин муроди битта:  
Сизни дея дунёга келган,  
Дунёдаги барча йигитлар!



\* \* \*

Қошиқ сифмас оғизга энди,  
Энди қалпок сифмайди бошга.  
Йиртилади чопоннинг енги,  
Энди қўллар бутунлай бошқа.

Юрак гўё олис шаҳардир,  
Уни сокин армон йўқлайди.  
Тунда ухлар вужуднинг ярми,  
Ярми эса кунда ухлайди.

О, ўзгариб кетган бу сиёқ,  
Сўз тингламас, гапни уқмайди.  
Бир муносиб йўл излар оёқ,  
Бу йўлларга оёқ сифмайди.



\* \* \*

Кўз олдинга югуриб кетар,  
Оёқ сокин борар лой кечиб.  
Қулоқлар динг, ненидир кутар,  
Оғиз – ташвишларга очилган эшик.

Қўллар – шалоплаган иккита эшкак,  
Елдаги майсадек ўйнайди сочлар.  
Ўртада бешафқат саркарда – юрак  
Бу буюк қўшинни бормоқда бошлиб.



## ОТЕЛЛО

Бағримни бир муз тилиб ўтди,  
Чўзилганча қолди-ку, кўлим!  
Дездемона қаёққа кетдинг,  
Тирик туриб сўлиган гулим?!

Боламасман мен алдангани,  
Такрорлайман номингни бетин.  
Жавоб берсин, Шекспир қани?!

Дездемона, қаёққа кетдинг?!



\* \* \*

Мен тушимда кўрган қиз қани,  
Қани мени аллалаган Бахт?  
Гулдиракдан ногоҳ уйғониб,  
Бугун факат сени кўрдим, Вакт.

Нурафшон юз, ёшсиз соф дийда  
Синовингдан бирдан буришди.  
Тортқилайсан мени чоп, дея,  
Мен билмайман ҳали юришни....



\* \* \*

Энди кўлим узун минг бора,  
Энди минг бор узун оёғим.  
Энди бошим – катта минора,  
Катта шаҳар энди – сиёғим.

Бир томонда – чиранган чидам,  
Бир томонда – туйфулар тирбанд.  
Кимсасиз бу шаҳар ичидা  
Мен ўзимни излаб юрибман.



## ГУЛ БОЗОРИДА

«Бу гул яхши, япроклари – ол,  
Хатто тунда кўзни олади.  
Яшаради уни ўпса чол,  
Ёшлар – гўдак бўлиб колади.

Мана, бунинг рангини кўринг:  
Денгиздаги сирли камалак.  
Олиб берай қайсин, буюринг,  
Айтаверинг, танлаб, чамалаб».

Гўзаллашмас гуллар бу зордан,  
Юмшамагай менинг ҳам дилим.  
Бўш қайтаман яна бозордан,  
Хаёлимда сахронинг гули.



## МАСЛАҲАТ

Буни кийманг, ёқмайди, ахир,  
Бундай кийим бошлифингизга.  
Буми, буни кийиб борсангиз,  
Оғир ботар ошифингизга.

Бу қайси, ха, зангори лиbos!  
Бугун замон буни суймайди.  
Бу сариқ-ку, сап-сариқ, холос,  
Бахтли одам буни киймайди.

Бошқа йўқми, унда не қилдик,  
Совуқ эмас унча ташқари.  
Одамлар ҳам маданий ҳозир...  
Сиз яхшиси яланғоч боринг.



## ХАЁЛПАРАСТ

Ҳозир бориб айтаман барин,  
Ҳаммасини айтгум басма-бас.  
Фақат уйдан чиқиб олсайдим,  
Остонадан ўтиб олсам, бас.  
Ана энди айтаман бешак,  
Ҳар бир сўзим тифдек жаранглар.  
Фақатгина етиб олсайдим,  
Кириб олсам эдим хонангга.  
Ҳозир, ҳозир, юз берар ҳозир,  
Ҳаммасини айтаман очик.  
Фақатгина киролсам эди,  
Киролсам бас, эшикни очиб.  
Орқасига тоғ тиralганми,  
Бу лаънати очилмас нега?  
Ҳозир, ҳозир эслаб олайин,  
Айтмоқчийдим нимани сенга?  
Бузиб қўиди лаънати эшик,  
Бузиб қўиди, ахир, барини.  
Ҳаммасини унутиб қўйдим,



Унутдим-ку, бор гапларимни.  
Балки уни шу пайт қайдадир  
Бир қиз бедор, бедор кутади,  
Ҳар кун эса телба хаёлда  
Шундай репитиция ўтади.



## ЖЕК ЛОНДОН. «МАРТЕН ИДЕН»

### 1

Менга бундай қарама, Қувонч,  
Менга бундай боқмасанг нетар?  
Ханжарингни тезлама, Висол,  
Мени Ҳижрон сўйгани етар.

Энди мени ўйламагин, Бахт,  
Деразадан нигоҳ солма, бас.  
Сукунатда ётибман, мана,  
Мен қайғунинг ишқи билан маст.

### 2

Танимайман мен сени, Мехр,  
Энди келиб оромим бузма.  
Энди севган оловингда ён,  
Энди севган аёзда музла.

Кўксимга бош кўйма, Мұхаббат,  
Қилаверма кўзларингни лўқ.  
Менда тотли қайфу йўқ энди,  
Энди менинг юрагим ҳам йўқ.



## ҚИШЛОГИМ

Мен майсадан уй қурмоқчиман,  
Юрак каби мўъжаз, чиройли.  
Само бокар – юлдузли боғча,  
Зиё оқар қошидан сойдек.

Ҳилол – уйку билмаган соқчи,  
Энди уни ким ҳам ўғирлар...  
Ўроғингни қўйгин, ўроқчи,  
Ортингизга қайтинг, сигирлар.

\* \* \*

Мени Шамол алдамай қўйди,  
Энди Тун ҳам аяиди мени.  
Ютавериб ғамга-ку, тўйдим,  
Энди Шодлик ейманми сени?

Ахир, менинг қўлларим қаттиқ,  
Ахир, менинг юрагим қийма.  
Сени қандай қучаман, Шодлик,  
Ахир, сени қандайин ейман?!?

---



## СамДУ. 1987 йил

Илҳом Ҳасан<sup>1</sup> йўлакда устозимиз биландир,  
Бамисоли Алишер Абулайс биландир.

Нуриддин Шукуревдир<sup>2</sup> – шеърият билимдони,  
Қалбида илм нури, кўп шукур, биз биландир.

Буюклар шеъриятин дилимизга жо этур,  
Мисли Навоий, Машраб, Ҳожа Ҳофиз биландир.

Шундок битурлар азал толиблик шевасини:  
Илмдир ташвишимиз, ишқимиз сўз биландир.

Бу мулоқот таърифин келтирмоқ кўп қийиндир,  
Не дегай бу Муртазо, тили ожиз биландир.

---

<sup>1</sup> Мархум адабиётшунос олим, ёзувчи ва педагог, Самарқанд давлат университетининг ўзбек филологияси факультетида дарс берган.

<sup>2</sup> Мархум адабиётшунос олим, ёзувчи, таржимон ва педагог, Самарқанд давлат университетининг ўзбек филологияси факультетида дарс берган, Илҳом Ҳасанов ва бошқа кўплаб истеъдолди адабиётшунослар, шоир ва ёзувчиларнинг устози.

---



## И.Х. га

«Афросиёб сўқмоқларида»  
Оlam қучоқ очади бизга.  
Отлар кишинар «Яйдоқ далада»,  
Энди «Оlam тўла ялпиз»га.

\* \* \*

Сенинг фожианг битта:  
Минг хил саволга минг хил  
жавоб топмоқчисан сен.  
Сен билмайсан,  
минг хил саволнинг  
Жавоби ҳам битта эканин.



## САБОҚ БЕР

Сабоқ бер, дунёга қарашни ўргат,  
Тушунтири, мен англаб етмаган сирни.  
Айт, қайси қонун-ла яшамофим шарт,  
Айт, қайси ҳис билан севайин ерни?

Тушунтири, тинглайнин, майли, жон билан,  
Менга бу сирларни билмоқ қаёқда:  
Кулганда кулайин қайси ранг билан,  
Кувонсам, рақс тушай қайси оёқда?

Сен ақли ягона, расодирсан хўп,  
Сенга садқа қилай энди боримни.  
Айт фақат, тушунтири, менда юрак кўп,  
Қайси бири билан севай ёримни?!



\* \* \*

Энди балки учрашолмасмиз,  
Лекин қўлда қолган суратлар  
Ҳақиқатни айтар барадла:  
Бош эмасдир сендаги бу бош,  
Калла эмас, мендаги калла!



## МЕТАФОРА

Ҳазил эмас, у тушунган сув,  
Фарқ қиласи оддий сувлардан.  
Базмлардан қочиб чиқар у,  
Йиғлаб чиқар учрашувлардан.

У – тўфонда қолган бир кема,  
Соҳил томон учиб борадир.  
Қилиб бўлмас уни таржима,  
Бошдан-оёқ метафорадир.



## МЕНИНГ УМРИМ

Ҳаётимнинг мазмуни аниқ:  
Мен яшашни жондан севаман.  
Умрим менинг – энг содда жанр,  
Ўзим улкан проблемаман.

Бори-йўғи йигирма беш бет,  
Қишдан чиққан новдадек юпун.  
Умрим менинг – ихчам сюжет  
Эндиғина бошланган тугун.



\* \* \*

Кечир мени, тақризчи дўстим,  
Яна бунда кеза бошладим.  
Ҳеч ким оёқ босмаган ерда  
Ўзимга гўр қаза бошладим.

Ҳар лаҳзада ўлмоққа шайдек,  
Тупроқ отиб терга ботаман.  
Бошқаларга ёқмаса, майли,  
Унда, ахир, ўзим ётаман!

---



## ТАРЖИМАИ ҲОЛ

Билмадим, қандай одамман,  
мен – Муртазо Қаршибой,  
Нега ғамгин мудом ман,  
мен – Муртазо Қаршибой?

Бошим узра гоҳ шафқат гоҳ сўнгги йўқ  
машаққат,  
Мужассами чидамман,  
мен – Муртазо Қаршибой.

Гоҳ ўзимга ишониб, кўкни кўзлар шиддатим,  
Гоҳ ўзимга ишонмам, мен – Муртазо Қаршибой.

Ўртаниб Ёр кўйида, сарф этиб умру жонни  
Маломатга нишонман, мен – Муртазо Қаршибой.

Минг берган саволимга бир жавоб топмадим ҳеч,  
Жавоб топгум қачон ман,  
мен – Муртазо Қаршибой?



## **ВАҚТ**

Ҳар куни битта синглимни йўқотаман,  
Ҳар куни йўқотаман битта акамни  
Ҳар куни бир дўстимни пичоқлаб кетар у!

## **СЕВГИ**

Боқдим сенга кўр кўзим билан,  
Бор гулларим сочилиб кетди.  
Йиқилдиму куйлаб юбордим,  
Кўр кўзим ҳам очилиб кетди.

## **АРМОН**

Шу тошлар йигилиб бир тоғ бўлганда,  
Балки йиқилмасдим, мен ҳар қадамда!



\* \* \*

Мен бошқанинг либосини кийиб бораман,  
Сен ўзганинг либосида чиқасан.  
Кўришамиз, кулиб ўпишади  
Бошқаларнинг либосини кийган нигоҳлар.  
Сўнг қийналиб юрамиз кийиб  
Ўзимизнинг либосимизни.



\* \* \*

Сен мени тушун,  
Эртага мен бу ерга  
қайтиб келмайман,  
Эртага бу ерга келар бошқа зот,  
У сўраб ўтирмас  
тушунишингни  
У қувониб кетар тушумасликдан.



## ЭРТАКДАН СҮНГ

Кўй йифлама, болакай,  
Кўзларингни арт ёшдан  
Кўзичоқ тирик, ишон,  
Крилов ҳам адашган.

Ана, яйлов бағридан  
Кўзи сувга бурилар.  
Чиқолмайин ўрмондан  
Қараб турар бўрилар.



## САМАРҚАНД. 1987

Регистон юз одим нарида,  
Юз қадам нарида Гўри мир.  
Ётибсан дунёнинг ғамида,  
Ўрага қулаган Алпомиш каби.

Йўл юрсанг етасан – бир лаҳза,  
Бир лаҳза – етасан «Бибихоним»га!  
Лекин сен кўмилиб олгансан  
Кимсасиз ўйларинг – қабристонингга.

Бир тирик таассурот – Шоҳизинда деб,  
Самарқанд сориға интилганлар кўп.  
Билмайман, яшайсан қайси қитъада,  
Сен ҳали унга ҳам етолганинг йўқ.



\* \* \*

Чап кўл, ўнг кўлга қара:  
ишлияпти.

Сен эса...

Ўнг кўл, чап кўлга қара:  
ухлияпти.

Сен эса...



## ЁЛГОНЛАР ИЧИДА

Мен сизни сизлайман, сизлайман,  
Хижроннинг адосиз кечаларида.  
Мен сизни излайман, излайман,  
Тентираб ёлғоннинг кўчаларида.

Осмони унутган гуллар бор бунда,  
Қанчалик буюксиз, о, ўшалардан.  
Кувониб кетаман ногоҳон сизни  
Топмаганимга ҳам шу кўчалардан.

---



\* \* \*

Тиллар айттолмаса,  
кўзлар айтсан бу қўшиқни.  
Қўшиқ айтмоқда-ку,  
ахир, менинг оёқларим ҳам!



\* \* \*

Дўстим, дема,  
Сўзни тинч қўй!  
Қасдинг бўлса, ханжарингни ур,  
Нега сўзни урасан,  
Сўздан яра бўлган қалбимга!



\* \* \*

Юксакларга кўтардим сени,  
Кўтаргандим юлдуздан баланд,  
Ҳаёт мисол телба бир севги,  
Ўлим мисол жўн ишқим билан.

Нигоҳларинг бугун – хира шам,  
Табассуминг – сўлғин гулдаста.  
Айта қолгин, айт, сени эркам,  
Қандай қудрат туширди пастга?



## УЛУФБЕК МАДРАСАСИ. 1987

Келиб қолса ҳозир Навоий,  
Келиб қолса ҳозир дафъатан,  
Гаплашишга қурбинг етарми?  
Сўраб қолса адабиётдан!

Йўқми, унда нега турибсан,  
Келиш учун қайта тайёрлан.  
Не қиласан келса Навоий,  
Келиб қолса ҳозир дафъатан!

---

\* \* \*

Мадхингизга шеър битайинми?  
Қайси рангда,  
қайси оҳангда,  
Қофияси қанака бўлсин?  
Балки размерингизни айтарсиз?..  
Айтинг, ахир,  
қайси бичимда бўлсин  
бу шеърий чопон?



\* \* \*

Оғир юқ келмоқда, келмоқда босиб,  
энди уни түхтатмоқ учун  
неча бора янчилган қалбнинг  
кўйсам экан қайси томонин.

---



## ДАШТИ ҚИПЧОҚ

Чечакларга қадалган тиғлар  
Ҳали-бери бўлмайди унут.  
Саҳро узра бир алам йиғлар,  
Йиғламоқда у билан сукут.

Қояларда сас берар бу кун,  
Кеча сўнган Куннинг фарёди,  
Ҳали тамом адо бўлмай Тун  
Яна Қуёш бормоқда ботиб.

Уфқ томон судралади Кун,  
Ерда қолар оппоқ тўшаги.  
Кечаги кун гўёки бугун,  
Бугунги кун гўё кечаги.



\* \* \*

Ўлимдан ҳам содда нарса борми дунёда,  
Борми яна ҳаётдан ҳам мураккаб нарса.  
Энг арzon баҳода диёнат,  
Энг қиммат баҳода сотилар қарсак.



## ИЛХОМ ОНЛАРИ

Сукунатни тўшаб ухлайсан,  
Оҳ, нимадан кўнглинг тўқ сенинг.  
Яна мудраб шайланиб қолдинг  
Забт этмоққа қайси чўққини?

Тингламайсан булбулларни ҳеч,  
Бургутлардан тамом юз бурдинг.  
Бамисоли довдир Дон Кихот  
Ҳар шарпада бир рақиб кўрдинг.

Вужудингда бир ҳаёт гуллар,  
Вужудингда сўлар бир дунё.  
Бир ёнингда – Оврупа кулар,  
Бир ёнингда йиглар – Осиё.

Жанубдами, шимолдамисан,  
Тунга бориб идрокинг сўлар.  
Тонгга бориб барча дардларинг  
Бори-йўғи битта шеър бўлар.



## БАҲОНА

Ўлим ўзи топиб келар,  
топиш шарт эмас  
Шухрат ўзи чопиб келар,  
чопиш шарт эмас!



\* \* \*

Улгуролмай қоламан сўраб,  
Қани хилол, қайга кетди тун!  
Ана келар сочини тараб,  
Яна менга аталган бир кун!

Дунё, менга бир кулиб қара,  
Дунё, мени тушунмофинг шарт!  
Келмоқда-ку, қиличин қайраб,  
Яна менга аталган минг дард!



\* \* \*

Энди тонгдан излама бахтни,  
Энди шомнинг кўзларига бок.  
Юлдузлардан тилама оқлик,  
Ўзинг тунни айлагин оппоқ!

Бу самонинг ёритгичлари,  
Кулаверсин, майли, минг рангда  
Сен шу ўжар қалбга ишониб  
Кира олгин ҳар кеча жангга!

\*\*\*

Ажраламиз, мана, чорраҳа!  
Энди нима қилсин, айт, буюр:  
Висол куни чайқалган шаҳар,  
Хижрон куни бўғилган бу юрт.

Уфқ нега бунча қизарган,  
Қуёш биздан кетдими ранжиб?  
Нима десин энди бизларга  
Сен қабрига гул қўйган жангчи?



## ШАБНАМ ҚАТРАЛАРИ

1

Мен юрган томонга юрмайди ҳамма,  
Ҳамма юрган ёққа юрмайман мен ҳам.

2

Юксакларда учади бу қуш,  
Бўронларга ташлаб уясин.

3

Маъюс табассумлар, алдаманг мени,  
Бахти табассумлар, устимдан кулманг.

4

Сезаман, тунлари қалб узок кетар  
Кундузи эрмаклар излаган боғдан.

5

Ғамим, сени шу ерга кўмиб кетаман,  
Бир кун шу ерда ёт,  
Мен Кувончни топиб келаман!

---

6

Фикр ухламайди,  
Кечаси ҳам ухламас Фикр,  
Ёриб чиқмоқ учун тонгда мияни!

7

Бугунга бош уриб йиғлайди Кеча,  
Огоҳ этармикан Эртани Бугун.

8

Овозим етмайди таҳсинга,  
Талқинга етмайди овозим!  
Бакиради юракнинг ўзи.

9

«Шоирман», десам, кулдингиз.  
Шунча кулгулими маданий жавоб?..



\* \* \*

Сабрим, узилмай тур, бир нафас чида,  
Яна бир дақиқа чида, бардошим.  
Тунга айланган шу кундуз ичида,  
Бир нафас мағрур бўл, эгилма, бошим!

Майли, Туннинг юzlари қора,  
Майлига, у оташ уфурсин.  
У бир нафас тинсин, бечора,  
У ҳам битта инсонни қўрсин.



## АЛАМЛИ ШЕЪР

Сени Ҳижрон қоп-қора тунлар,  
Қуёшим, деб бағримга босдим.  
Тонгда сени оромга унданб,  
Ўзим Fam-ла қунни ўтказдим.

Талашмадим сен билан, Қайғу,  
Сен билан-да дўст бўлиб юрдим.  
Сотилганда бевафо туйғу,  
Сени қучиб давримни сурдим.

Фақат сендан ҳайикдим, Қувонч,  
Сен-ла бахтли бўлолмадим, Бахт.  
Сиз эркали эрксиз бир жувон –  
Ҳамма учун ўрнатилган таҳт!



\* \* \*

Қачонгача ўйлайсан уни,  
Ташлаб кетгин бирор сахрода.  
Қуёш томон йўл олган куни  
Топиб олар ҳар қандай одам  
  
Ҳозир уни еб бўлмас – тахир,  
Ҳозирча у кишан – йиқитар.  
Ташлаб кетгин йўқолмас, ахир,  
Икки уфқ оралиғида!



## ЮРАК

Аввал ожиз майса эдинг сен,  
Энди қудрат рамзи – туғ бўлдинг.  
Исминг буюк юлдузларга тенг,  
Гарчи ўзинг ерда туғилдинг.

Оппоқ нигоҳ – хушрўй санамсан,  
Журъат топиб журъат кучолмас.  
Қип-қизил ва аччиқ аламсан,  
Мендан ўзга яйраб ичолмас.



\* \* \*

Сабр бугун, катта бир Сабр,  
Яхши-ёмон тўпланган бари.  
Тоғдаги тик қарағай каби,  
Сабр туар байроқ кўтариб.

Қараб туриб кўзинг ишонмас,  
Бу ўзгариш сиғмас таъбирга.  
Бир томонга қараган ҳамма,  
Ҳамма келган бугун Сабрга!



\* \* \*

Бошим жим эгилар, эгилади жим,  
Кўзларим қўрқувдан чиппа юмилган.  
Юрагим – олтинга тўла кўзадек –  
Билмадим, қайгадир кўмилган.

Ёки адашдими Замин йўлидан,  
Ёки терс тарафдан чиқдими Қуёш?  
Уриб туширади жаллод қўлидан  
Дахшатли қилични эгилган бу бош!

\* \* \*

Туннинг кемасида тонгга етамиз,  
Тонгни олкишлаймиз,  
алқаймиз Кунни.  
Сўнг Куннинг кемасин миниб  
кетамиз,  
Алдаб келиш учун  
яна бир Тунни!



\* \* \*

Нафрат бордир ҳамда ғазаб бор,  
Мұхаббат бор ҳамда азоб бор.  
Күкда сузган ракеталар йўқ,  
Шеърлар тўла сахифалар йўқ,  
Шуҳрат, амал ҳамда шонлар бор,  
Ўлаётган ҳаяжонлар бор.



## САМАРҚАНД. 1987

Бу иккига бўлинган диёр –  
Қиймаланган вужуд аслида.  
Ярми кўкка учишга тайёр,  
Ярми унинг ернинг остида.

Кеча-қундуз самога шайдо,  
Кеча-қундуз қидирар нажот.  
Лек барибир уча олмайди,  
Бу танаси кўмилган қанот.



## ЯНГИ ЙИЛ

Яна фурсат қилди тантана,  
Яна битта япроғим сўлди.  
Йўқотганим олтиндир яна,  
Топганларим яна жез бўлди.

Танти ҳакам – вакт элагидан,  
Ўтиб кетди кунларим қатор.  
Эски йилда инграган дилга  
Янги йилнинг ханжари ботар....



\* \* \*

«Бир-биридан зўр қизлар,  
Фариштадек ҳур қизлар  
Соч, десанг – соч, қомат бор...  
Танлаганга омад бор.  
Ғамда қўймас, зоритмас,  
Минг йилда ҳам қаритмас».  
Бу сўзларни эшигган сари,  
Ўртанаман, қоламан қариб...



## ДАРАХТ

Энди сен хам бахтлисан, Дарахт,  
Энди сен хам улув зот бўлдинг.  
Энда еллар сочингни тараб,  
Энди қуёш сикади қўлинг.

Энди сен хам қайғудан кечиб,  
Кўк тўшакка отасан ўзни.  
Энди тунлар ёғдуни ичиб,  
Юлдузларга қисасан кўзни.

Кароматгўй қушлар бошингда,  
Олқиши айтиб сенга фидодир.  
Уйқусираб турар қошингда  
Ташбех излаб топмаган шоир.

Ҳаттоки энг майда бутокқа,  
Энди ўтмас қайчининг сўзи.  
Ҳақиқатни тушунтиromoққа  
Охир келар Болтанинг ўзи...



## ОЛОМОН

Қарайман: қаршимда кимлардир юрар,  
Кимлардир сикади гоҳида қўлим.  
Билмадим, қошимда қай жонзот турар,  
Жаннатми – дўзах бу, ҳаётми – ўлим!

Бир зумда борлигим бўлади барбод,  
Бағримни илитмас хеч қандай таскин.  
Шунчалар тубанлаб кетдингми, Ҳаёт,  
Шунчалар юксалиб кетдингми, Қалбим!



\* \* \*

Мен-ку, танитмадим ўзимни.  
Лекин кўзларим ёнди,  
тугилди муштим,  
заминга эгилган осмондек  
қисилди лабларим.  
Бу тикланган қалъа устига  
байроқни илишдан тийилди тилим.  
Танимадинг сен мени!



\* \* \*

Ҳаммасини англадим сўраб,  
Ҳамма жавоб кўрдим – бемаъни.  
Энди фақат ўзимга караб,  
Исботлайман теоремани.

Бошларимни урдим не тошга,  
Дард деганинг кўрдим барисин.  
Китоб йўқдир ўзимдан бошқа,  
Ўзим – имло, ўзим – дарслик!

Билгум, менинг ҳаётим қиска,  
Билгум, менинг ишим бетартиб.  
Лекин битта китоб ўқишига,  
Битта умр шаксиз етади.



\* \* \*

Ўзга эмас, бу ҳам эски ўқ,  
Бу ҳам ишқнинг эски чечаги.  
Бу дунёда бугун ҳеч не йўқ,  
Ҳамма нарса бутун кечаги.

Бу кун Бугун улуғ бир хондир,  
миниб олиб Ҳақнинг отига  
тарих деган улкан карвонни  
ўтказмоқда салтанатидан!



\* \* \*

Қарсак чалмангиз менга,  
Кўтармангиз ой сари.  
Аввал кутланг, уялманг,  
Аввал кутланг майсанни.

Билмам, яна қандай дард,  
Борар юракни қўпиб?  
Қарсак чалиш бўлса шарт,  
Чалинг гулларни ўпиб...



## Бульвар. 1986

Кўнглимни ром айлаган

ул Самарқанднинг бульвари,  
Бульвар эрмас, балки улдиртоза гулшандилбари.  
Гул оралаб ўтгай, кўринг, неча зебо санамлар,  
Бамисоли парилардек, гул кўтарган гул бари.

Бир гўзалнинг ойдек тўлин чехрасига ошиқман,  
Офтоб билан баҳс бойлаган бир девона сингари.  
Ёр сени гар синовларга чорлар бўлса, эй рафик,  
Машақкатдан қўрқма асло, чиқавергин йўл сари.



\* \* \*

Оппоқ нурга чайилар йўллар,  
Оппоқ нурга чўмилади сой.  
Коинотга оппоқ нур йўллаб,  
Жилва қилар кўкда минг чирой.

Одатдаги бир саёҳат, деб,  
Қушлар ўйлар дайдиганимни.  
Улар билмас (о, уларга не?),  
Менинг сендан айрилганимни.



\* \* \*

Кўзларида бу қизнинг  
Кезар ажиб дунёлар,  
Нигоҳ солса, мавж уриб,  
Оқа бошлар зиёлар.

Бу қандайин мўъжаз куч,  
Бу қандайин нигоҳдир?  
Севмоққа-ку, қўрқасан,  
Севмаслик ҳам гуноҳдир!



\* \* \*

Юрак шунча тошми, о,  
Юрак шунча хиссизми?  
Тошни тушунгум, аммо  
Тушунмайман мен сизни!

Болта уриб шохга гоҳ,  
Гоҳ қучасиз илдизни.  
Осмон гувоҳ, ер гувоҳ  
Тушунмайман мен сизни!

Кетмоқдаман, дил ҳамон  
Такрорлайди бир сўзни:  
Мени тушунмас замон,  
Тушунмайман мен сизни!



## ОЛЛОҲ НАЗАР СОЛГАН ЙОРТ

Оллоҳ назар солган юртда  
Бир элга бир бош бўлади.  
Озодлиги мудом қўлда  
Иқболи йўлдош бўлади.

Оллоҳ назар солган элда  
Қизлар қаламқош бўлади.  
Қирқ кокили ошиб белдан  
Товонга йўлдош бўлади.

Оллоҳ назар солган юртда  
Мехмон ҳам талош бўлади.  
Ҳар кўчада машварат, тўй,  
Ҳар кўчада ош бўлади.

Оллоҳ назар солган юртда  
Табиат наққош бўлади.  
Ҳатто қуёш ботганда ҳам  
Кўнгилда қуёш бўлади.



Оллоҳ назар солган юртда  
Бахт қўшиғи аримайди.  
Бахтли яшаб чолу кампир  
Юз ёшда ҳам қаримайди.

Оллоҳ назар солган юртда,  
Дам – шу дам, шу дам бўлади.  
Қут-барака ёғиб кўқдан,  
Ҳар куни байрам бўлади.



## ДИЛНИНГ ДЎСТИ

Яхшиси кўп, дунё – кенг,  
Дўст кўринган бисёрдир.  
Гулнинг қадри гулга тенг –  
Дилнинг дўсти дилдордир.

Кўкка учсанг, ёмонмас,  
Ойни қучсанг, ёмонмас,  
Лек ёрсиз қалб қувонмас  
Дилнинг дўсти дилдордир.

Меҳрим кўпдир боламга,  
Бермам икки оламга,  
Лекин шерик ноламга  
Дилнинг дўсти дилдордир.



Ҳаёт нима – ғурбатдир,  
Бир дўст топсанг давлатдир,  
Кўнгилга йўл сухбатдир,  
Дилнинг дўсти дилдордир.

Юпанч бўлмас ҳеч нима  
Менинг ғариб кўнглима,  
Тош ёғса ҳам устима  
Дилнинг дўсти дилдордир.

Дунё асли бутхона,  
Келмоқлик бир баҳона,  
Жонга яқин жонона,  
Дилнинг дўсти дилдордир.



## КҮРГИМ КЕЛАДИ

Кўнглингда неки бор – билгим келади,  
Доимо ёнингда бўлгим келади.  
Мен шунча эл кезиб топмайман сени,  
Топсам ҳам изингдан юргим келади,  
Эл ичра бир сени кўргим келади.

Тонги йўқ бу умрим шом бўлса нетай?  
Висолинг мен учун ком бўлса нетай?  
Бу кўнгил бир сенга ром бўлса нетай?  
Йўлимни сен томон бургим келади,  
Эл ичра бир сени кўргим келади.



Не гулгун чаманнинг ифори сенда,  
Оламнинг кечиккан баҳори – сен-да,  
Бекарор бу дилнинг қарори сенда,  
Ўз ҳолимга ўзим кулгим келади,  
Эл ичра бир сени кўргим келади.

Ҳолимни ким билгай, мен бир чоҳдаман,  
Ишқ деган азалий ўт-ўчоқдаман,  
Қайдан келиб қайга, айт, кетмоқдаман?  
Ҳеч бўлмаса шуни билгим келади,  
Эл ичра бир сени кўргим келади.



## ТАХМИН

Навоийми ёки Фирдавсий,  
Муқимиими ё Ҳофизмикан?  
Нодирами ёки Увайсий,  
Огаҳийми ё Мунисмикан?

Ширинининг Фарҳодими ё,  
Ё Зухронинг баҳтсиз Тоҳири.  
Ишқилиб бир сўзсевар даҳо,  
Ишқилиб бир Шарқнинг шоири.

Жуда яхши битта гап айтган,  
Жуда зўр гап, жуда мағзи тўқ.  
Бори-йўғи биргина байтда,  
Аммо ҳозир ҳеч эсимда йўқ!



## ШУ ГҮЗАЛГА ЯРАШАДИ

(*Ошиқлар қўшиги*)

Сирли нозлар, шўх нигоҳлар  
Шу гўзалга ярашади.  
Қалам қошлар, ол дудоғлар  
Шу гўзалга ярашади.

Ноз билан жон олмоғи ҳам,  
Ўзин ётга солмоғи ҳам,  
Баъзан маъюс қолмоғи ҳам  
Шу гўзалга ярашади.

Узоқдан бир қараб қўйса,  
Ё қарамай қовоқ уйса,  
Нима килса, нима кийса,  
Шу гўзалга ярашади.

Озор бериб юрагимга,  
Сўз демагай сўроғимга,  
Сабаб бўлмоқ қийноғимга  
Шу гўзалга ярашади.



\* \* \*

Балки бу ўқим ҳам хато кетади,  
Балки бу ўқим ҳам сўнгги бир пушмон.  
Тегмаса не бўлур, тегса нетади:  
Мен ўзим ўқ, ахир, мен ўзим – қушман.



## ЭНДИ

Энди кувон, бор гапингни айт,  
Энди күшдек этавер парвоз.  
Энди ҳар бир чулдирашинг – байт,  
Энди барча ёлғонларинг – рост!

Энди сен ҳам донолар тенги:  
Кимни мақтаб, кимни койирсан.  
Куймасанг-да, куйчисан энди,  
Ёнмасанг-да, энди шоирсан.



## ЯШАШ МУМКИН...

Яшаш мумкин бемалол якка,  
Фарқи йўқдир: дўзахми, жаннат.  
Одамлар тўнг, замон мураккаб,  
Бепарволик – буюк бир санъат.

Сенга дардни боғлаб берар ким,  
Ким кўксингга қуя олур ғам?  
Қайғу чекмай яшамоқ мумкин,  
Мумкин ҳатто яшамаслик ҳам.



## БҮЮКЛАРНИ ЎҚИБ...

Қанча буюк зотларни ўқиб,  
Мен ҳам одил йўлни танладим.  
Энди юрар (китобда эмас)  
Кўз ўнгимда қаҳрамонларим.

Бири мисли Кўринмас одам,  
Суратидан бўлмайди таниб.  
Бири мисли Шчукарь бобо –  
Айб қиласа ҳам юрар мақтаниб.

Мұҳаббатни шухрат деб билган,  
Хусравларим бир талай, бир тўп.  
Элнинг кўзин боғлаб семирган  
Ишкамбалар ҳаммасидан кўп...

Қалбим, бахтни фойибдан кутма,  
Ёвуз гирдоб кетгайдир ютиб.  
Хушёр бўлгин, фарқ бўлиб кетма,  
Алпомишу Фарходни кутиб!



## ХУЛОСА

Шодлик излаб дунёга келдим,  
Ўзни излаб келдим Тошкентга.  
Мендек оқил йўқ экан, билдим,  
Билдим, мендек нодон йўқ экан!

*Самарқанд – Тошкент  
1986–1988 йиллар*



## МУНДАРИЖА

Шоир .....	3
Тасдиқ ва инкор.....	4
Бахтнинг қасригача боргин-у.....	5
«Мен эшикни очсам бўлади» .....	6
«Юрагимга чизилган сурат» .....	7
«Бугун яна ўзимда йўқман» .....	8
«Тўрва берди менга ҳам қисмат» .....	9
Тескарилик.....	10
Мени кийнар.....	11
«Сен ҳам энди битта қўшиқ бўл» .....	12
«Парвойинг йўқ» .....	13
«Хурматим бор» .....	14
«Ўлиш учун» .....	15
«Шеърларингни кўйнингга яшир» .....	16
Орол.....	17
«Қўлинг ҳали шалвираб туар» .....	18
«Бир сўз айтсан бўлар-ку, мен ҳам» .....	19



«Ҳатто осмон гуллади».....	20
Тўртликлар .....	21
Бу қандай баҳт.....	33
«Чидолмадим» .....	35
«Кўз қувониб кетар» .....	34
«Гуноҳ сенда эмас» .....	36
Жавоб.....	37
«Сен ялтироқ кунга ишонма».....	38
«Онажон, биз – боймиз» .....	39
«Ҳеч нима юз бергани йўқ!» .....	40
«Рухимда сен хукмрон» .....	41
Мингчинорда.....	42
Ўкинч .....	43
«Юзга кириб уйланмаган чол» .....	44
Сизга... .....	45
«Қошиқ сифмас...» .....	46
«Кўз олдинга югуриб кетар» .....	47
Отелло .....	48
«Мен тушимда кўрган...» .....	49



«Энди кўлим узун...» .....	50
Гул бозорида .....	51
Маслаҳат.....	52
Хаёлпарасть.....	53
Жек Лондон. «Мартен Иден» .....	55
Кишлоғим.....	56
СамДУ. 1987 йил.....	57
И.Х.га.....	58
Сабок бер.....	59
«Энди балки...» .....	60
Метафора.....	61
Менинг умрим.....	62
«Кечир мени...» .....	63
Таржимаи ҳол .....	64
Вақт .....	65
Севги.....	65
Армон.....	65
«Мен бошқанинг либосини...» .....	66
«Сен мени тушун ...» .....	67



Эртакдан сўнг .....	68
Самарқанд.1987 .....	69
«Чап кўл, ўнг кўлга қара» .....	70
Ёлғонлар ичидা .....	71
«Тиллар айтолмаса...» .....	72
«Дўстим, дема» .....	73
«Юксакларга қўтардим сени» .....	74
Улуғбек мадрасаси. 1987.....	75
«Мадхингизга шеър битайнми?» .....	76
Оғир юқ келмоқда.....	77
Дашти кипчок .....	78
«Ўлимдан ҳам содда...» .....	79
Илҳом онлари .....	80
Бахона .....	82
«Улгуролмай қоламан...» .....	82
«Энди тонгдан излама...» .....	83
«Ажраламиз...» .....	84
Шабнам қатралари .....	85
«Сабрим, узилмай тур...» .....	87



Аламли шеър .....	88
«Қачонгача ўйлайсан уни» .....	89
Юрак .....	90
«Сабр бугун...» .....	91
«Бошим жим эгилар...» .....	92
«Туннинг кемасида...» .....	93
«Нафрат бордир...» .....	94
Самарқанд. 1987.....	95
Янги йил .....	96
«Бир-биридан зўр ...» .....	97
Дараҳт .....	98
Оломон .....	69
«Мен-ку, танитмадим ўзимни» .....	100
«Ҳаммасини англадим...» .....	101
«Ўзга эмас...» .....	102
«Қарсак чалмангиз менга» .....	103
Бульвар. 1986 .....	104
«Оппок нурга чайилар йўллар» .....	105
«Кўзларида бу қизнинг» .....	106



«Юрак шунча...» .....	107
Оллоҳ назар солган юрт.....	108
Дилнинг дўсти.....	110
Кўргим келади. ....	112
Тахмин .....	114
Шу гўзалга ярашади .....	115
«Балки бу ўқим ҳам...» .....	116
Энди.....	117
Яшаш мумкин....	118
Буюкларни ўқиб...	119
Хулоса .....	120

*Муртазо ҚАРШИБОЙ*

# Ўттиз йиллик андиша

## (шеърлар)

«Sharq» нашриёт-матбаа  
акциядорлик компанияси  
Бош таҳририяти  
Тошкент – 2014

Муҳаррир *Аҳрор Аҳмедов*  
*Рассом Умид Сулаймонов*

Техник муҳаррир *Раъно Бобохонова*  
*Саҳифаловччи Лидия Цой*  
*Мусаҳҳих Шарофат Хуррамова*

**Нашр лицензияси АI № 201, 28.08.2011 йил.**

Теришга берилди 02.09.2013. Босишига 22.11.2013 рухсат этилди. Бичими 60x90  $\frac{1}{3}$ , «Virtec Antiqua Uz» гарнитураси.  
Офсет босма. Шартли босма табори 3,0.  
Нашриёт-хисоб табори 1,97. Адади 1000 нусха.  
Буюртма № 3284. Баҳоси шартнома асосида.

**«Sharq» нашриёт-матбаа  
акциядорлик компанияси босмахонаси.  
100000, Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 41.**